



## ARTICLE INFO

Received: 8<sup>th</sup> December 2024  
Accepted: 12<sup>th</sup> December 2024  
Online: 13<sup>th</sup> December 2024

## KEYWORDS

Labor law, employee, trade union, employer, individual labor disputes, labor dispute commission, pre-trial settlement, quorum, impartiality.

## ISSUES IN IMPROVING THE PERFORMANCE OF THE LABOR DISPUTE COMMISSION

**Lazizkhon Tulkinovich Usmonov**

Master's Student, Faculty of International Business Law  
The University of World Economy and Diplomacy

**Bahodir Mamasharipovich Hamrokulov**

LLD, Professor, Department of Civil Law and International Private Law  
The University of World Economy and Diplomacy  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14434560>

## ABSTRACT

*This article examines the characteristics and types of labor disputes, focusing on the labor dispute commission as a pre-trial body for resolving individual labor disputes. It analyzes the features of the commission and the problems it faces in considering and resolving individual labor disputes. The article also offers suggestions for improving the legal framework for pre-trial resolution of such disputes and provides a comparative analysis of pre-trial labor dispute resolution systems in other countries.*

## ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАБОТЫ КОМИССИИ ПО ТРУДОВЫМ СПОРАМ

**Усмонов Лазизхон Тулкинович**

Магистрант факультета международное бизнес право  
Университет мировой экономики и дипломатии

**Хамракулов Баходир Мамашарифович**

Д.ю.н., профессор кафедры гражданского права и международного частного права  
Университет мировой экономики и дипломатии  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14434560>

## ARTICLE INFO

Received: 8<sup>th</sup> December 2024  
Accepted: 12<sup>th</sup> December 2024  
Online: 13<sup>th</sup> December 2024

## KEYWORDS

Трудовое право, работник, профсоюз, работодатель, индивидуальные трудовые споры, комиссия по трудовым спорам, досудебное урегулирование, кворум, беспристрастность.

## ABSTRACT

*В данной статье рассматриваются характеристики и типы трудовых споров, с акцентом на комиссию по трудовым спорам как досудебный орган по разрешению индивидуальных трудовых споров. Анализируются особенности работы комиссии и проблемы, с которыми она сталкивается при рассмотрении и разрешении индивидуальных трудовых споров. В статье также предлагаются рекомендации по совершенствованию правовой базы досудебного разрешения таких споров и представлен сравнительный анализ систем досудебного разрешения трудовых споров в других странах.*



**МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Усмонов Лазизхон Тўлқинович**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
“Халқаро бизнес ҳуқуқи” факультети магистранти

**Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро  
хусусий ҳуқуқ фанлари” кафедраси профессори, ю.ф.д.(DSc)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14434560>

**ARTICLE INFO**

Received: 8<sup>th</sup> December 2024

Accepted: 12<sup>th</sup> December 2024

Online: 13<sup>th</sup> December 2024

**KEYWORDS**

*Меҳнат ҳуқуқи, ходим, касба  
уюшмаси, иш берувчи, якка  
тартибдаги меҳнат  
низолари, меҳнат низолари  
бўйича комиссия, судгача ҳал  
этиш, кворум, холислик.*

**ABSTRACT**

*Мазкур мақолада меҳнат низолари  
характеристикаси ва унинг турлари, Меҳнат  
низолари бўйича комиссия якка тартибдаги  
меҳнат низоларини судгача ҳал этувчи орган  
сифатида унинг хусусиятлари ва комиссия  
томонидан якка тартибдаги меҳнат низоларини  
кўриш ҳамда ҳал этишдаги муаммолари кўриб  
чиқилган. Ушбу турдаги меҳнат низоларини судгача  
ҳал этиш бўйича ҳуқуқий тизимни  
такомиллаштириш бўйича таклифлар, хорижий  
мамлакатларнинг меҳнат низоларини судгача ҳал  
этиш тизими бўйича қиёсий таҳлиллар  
келтирилган.*

**Кириш**

Ўзбекистон Республикасида меҳнат муносабатлари ва уларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Бунга янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қабул қилинганлиги яққол мисолдир. Бироқ, меҳнатга оид барча муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликнинг замонга мослаштирилганлиги ва такомиллаштирилганлигига қарамай баъзи муносабатлар тартибга солинмасдан қолмоқда.

Фуқаролик жамиятида мамлакат фуқаролари меҳнат ҳуқуқларининг бузулиши бугунги кунга қадар долзарб муаммолар қаторидан ўрин олган. Биргина, 2023 йилнинг 3-чорагида давлат меҳнат инспекциясининг фаолиятидаги асосий кўрсаткичлари бўйича бутун Ўзбекистон Республикасида 36103 та ҳуқуқбузарликлар аниқланганлиги<sup>1</sup>, ҳамда 2023 йилда Ўзбекистон бўйича барча туманлараро (шаҳар) фуқаролик судлари томонидан жами 367 та ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақида, жами 7214 та иш

<sup>1</sup> Очик маълумотлар портали, 2023 йил 3-чорақда “Давлат меҳнат инспекциясининг фаолиятидаги асосий кўрсаткичлари” статистикаси. <https://data.egov.uz/data/61025bdf2a2e256d868e82f5> (2024 йил 05 декабрда олинган).



ҳақини ундиришга оид талаблар юзасидан электрон суд тизимида суд ҳужжатлари эълон қилинганлиги мисолдир<sup>2</sup>.

Кўриниб турганидек, деярли барча якка тартибдаги меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ходимлар меҳнат низоларига дуч келиши мумкин бўлиб, уларнинг аксарияти судгача ҳам етиб бормайди. Ходимнинг ҳуқуқий онги етишмаслиги, миллий менталитет, иш берувчининг тазйиқи ёки субъектлар орасида муносабатнинг бузилишини олдини олиш каби субъектив сабаблар буларга йўл бермайди. Бундай ҳолатда якка тартибдаги меҳнат низоларини жойида, яъни судгача ҳал этишда меҳнат низолари бўйича комиссия самарали ечим бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Негаки, биргина меҳнат низоси биринчи инстанция судида ҳал бўлмасдан апелляция ёки кассация, ҳатто Олий судда тафтиш тартибдаги шикоят асосида кўриб чиқилиши мумкин. Шу сабабли, иш берувчи “муаммоли” ходимлар билан қандай бўлмасин меҳнат шартномасини бекор қилишга интилади, табиийки, низонинг осонроқ ва камҳаражатли ечимини излайди. Айнан, меҳнат низоларини судгача ҳал этиш институтини кейинчалик такомиллаштириш ва улардан кенг фойдаланишга йўл очиб бериш, уларнинг ҳуқуқни қўллаш соҳасида нуфузини ошириш меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда кўплаб муаммоларни ҳал этган бўлар эди. Асосийси, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар тарафларининг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини судга нисбатан қисқа муддатда тиклашга катта рол ўйнайди.

Кўпинча иш берувчи ва ходим ўртасида вужудга келадиган келишмовчиликлар (қарама-қаршиликлар) якка тартибдаги меҳнат низолари кўринишида намоён бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 541-моддасида меҳнат низолари тушунчасини иш берувчи ва ходим ўртасида ёхуд ходимлар (уларнинг вакиллари) ва иш берувчилар (уларнинг вакиллари) ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, меҳнат шартномасини қўллаш масалалари бўйича, шунингдек янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини ўзгартириш масалалари бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар деб белгилайди.

Мазкур Кодексда келтирилган таърифдан келиб чиқиб, меҳнат низоларини тарафларига қараб якка тартибдаги ва жамоавий турларига бўлиш мумкин. “Иш берувчи ва ходим ўртасидаги қуйидаги масалалар бўйича тартибга солинмаган келишмовчиликлар якка тартибдаги меҳнат низоларидир:

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини, меҳнат шартномасини қўллаш;

ходим учун якка тартибдаги янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд якка тартибдаги меҳнат шартларини (шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашни) ўзгартириш”<sup>3</sup>.

Якка тартибдаги меҳнат низолари ўз характерида кўра нафақат субъектлар ўртасида давом этиб келаётган меҳнат муносабатлари доирасида вужудга келади, шу билан бирга, илгари амалга оширилган муносабатлардан ҳам келиб чиқиши мумкин.

<sup>2</sup> Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари статистикаси. [https://public.sud.uz/report/CIVIL\\_OLD](https://public.sud.uz/report/CIVIL_OLD) (2024 йил 05 декабрда олинган).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 542-моддаси. <https://lex.uz/uz/docs/6257288#6268616>



Демак, ходим ҳисобланмаган жисмоний шахс ҳам мазкур муносабатларда субъект сифатида иштирок этади. Бу борада А.Шувалова қуйидагича таъкидлаган: “Якка тартибдаги меҳнат низоси деганда, меҳнат ҳуқуқи нормаларини қўллаш масалаларида, шу билан бирга, аввал меҳнат муносабатларида бўлган ходим ва иш берувчи ўртасидаги, шунингдек, иш берувчининг бунга истагини билдирган шахс билан меҳнат шартномаси тузишдан бош тортган ҳолатлардаги ҳал этилмаган келишмовчиликлар тушунилади”<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 543-моддаси 3-қисмида ҳам юқоридаги ҳолат белгиланган.

Хуллас, якка тартибдаги меҳнат низоларини турли шакл ва хусусиятларига кўра бир қанча турларга бўлишимиз мумкин. Бироқ, судгача ҳал этилишида, даъво хусусиятига эга якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқувчи муҳим орган — меҳнат низолари бўйича комиссия ва у билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, мазкур мақоламизнинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ ходим иш берувчи билан меҳнат муносабатларидан пайдо бўлган ҳуқуққа оид (даъво хусусиятига эга) талаблари билан ўз танловига кўра корхонада ташкил этилган меҳнат низолари бўйича комиссияга ёки фуқаролик судига мурожаат қилиши мумкин. Ўзбекистон қонунчилигида фақатгина ходим меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат этиши мумкинлиги назарда тутилган. Тўғри, кўпгина шахслар низоларни ҳал этишнинг самарали йўли — бу суд органлари деб ҳисоблаши табиий, бироқ, меҳнат низолари бўйича комиссия ҳам бир қанча афзалликларга эга. Низоларни суд мажлиси муҳокамаларида ҳал этилиши қаторида, уларни судгача ҳал этишдаги алтернатив воситаларини назардан четда қолдириш мақсадга мувофиқ эмас.

Жумладан, меҳнат низолари бўйича комиссия муайян корхона ва ташкилотда фаолият кўрсатади ва бу органга низонинг тўғри ва қонуний ҳал этилиши учун индивидуал ёндашишга имконият беради. Бундан ташқари, меҳнат низолари бўйича комиссия аъзолари мазкур корхонанинг барча шароитларидан хабардор бўлган, кўп йиллик малакага эга бўлган мутахассис ходимларидан ташкил топган бўлиши мумкин. Бир томондан, суд жараёнлари тарафлардан кўп миқдорда вақт ҳамда харажатларни талаб қилса, меҳнат низолари бўйича комиссия эса низолар келиб тушган кундан бошлаб уларни 10 календар кун ичида кўриб чиқилишини таъминлайди.

Шу сабабли, Н.Тешаев ҳам меҳнат низолари бўйича комиссияни “иш берувчи ва ходимлар вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро ижтимоий шерикчиликка асосланади ҳамда юзага келган ихтилофни бевосита корхонанинг ўзида, вақт ва маблағ тежалгани ҳолда тез ҳал этиш имконини беради”<sup>5</sup>, деб ўринли таъкидлаган деб ҳисоблаймиз. Ходим меҳнат низолари бўйича комиссияга мурожаат қилганда, у ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд органлари орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини йўқотмайди, аксинча, кейинчалик мазкур орган қарори устидан судга шикоят қилишга ҳақли ҳисобланади.

<sup>4</sup> А.А.Шувалова. “Способы судебной защиты трудовых прав и правовых интересов” диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук., Москва, 2019., 61-б.

<sup>5</sup> Муаллифлар жамоаси: Усманова М.А., Саримсакова Г.К., Исмоилов Ш.А., Исроилов Б., Рахимберганаева Б.Д., Тешаев Н., “МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ” дарслик., ТОШКЕНТ – 2018, 474-б.



Меҳнат низолари бўйича комиссияда аризани кўриб чиқиш жараёни судга нисбатан қисқа бўлишига қарамай, ишни кўришда тарафлар исботлаш воситалари сифатида ёзма далиллар, гувоҳ кўрсатмаларидан фойдаланишга, ҳатто тарафлар ўзларининг ишончли вакиллари, ёки адвокатлари орқали иштирок этишларига имконият яратилади. Натижада муайян низони кўриб ҳал этишни объектив амалга оширилишини таъминлайди. Ҳар қандай орган қарори унинг якуний ижроси билан муҳим бўлганидек, меҳнат низолари бўйича комиссия қарори юзасидан ижро ҳужжати ҳисобланган гувоҳнома берилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 7-моддаси 1-қисмининг 7-бандида меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар ижро ҳужжати эканлиги белгиланган. Мазкур Қонуннинг 27-моддасига асосан меҳнат низолари комиссияларининг гувоҳномалари уч ой мобайнида ижрога топширилиши мумкин.

Демак, меҳнат низолари комиссияларининг қарорлари қабул қилинган кундан бошлаб, унга нисбатан 10 кунлик муддат ичида шикоят қилинмаган тақдирда, ходимнинг аризасига асосан қонуний кучга эга бўлган ва иш берувчи учун бажарилиши мажбурий бўлган ижро ҳужжатининг берилиши, ушбу органнинг меҳнат муносабатларида аҳамиятли ҳуқуқни қўлловчи субъект сифатида ўрнини мустаҳкамлайди. Бу эса, мамлакатда мавжуд суд органларидан меҳнат низолари бўйича ихтисослаштирилган, яъни махсус меҳнат масалалари судларини ташкил этилиши каби ҳолатлардан халос этади. Бу борада Х.Қучқаровнинг фикри ўринлидир: “Судларнинг ихтисослашуви — бу вақт ва моддий манбалар нуқтаи назаридан мураккаб жараён, шу билан бирга, судда низоларни кўриш фақат суд жараёнининг тартибига боғлиқ эмас, балки судьянинг билим ва малакасидан ҳам келиб чиқади”<sup>6</sup>.

Меҳнат низолари комиссиясининг яқка тартибдаги меҳнат низоларини ҳал этишдаги фаолияти самарадорлигини баҳолашда илмий адабиётларда турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларда мазкур институтни ислоҳ этиш лозимлиги келтирилган. Ҳақиқатан ҳам, ушбу органнинг бир қанча афзалликлари бўлгани билан, унинг ташкил этилиши, ишни кўриш жараёнида ҳуқуқий жиҳатдан охиригача тартибга солинмаган бир нечта ҳолатлар мавжуд. Буларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) Қонунчиликда меҳнат низолари комиссияси аъзолар сонининг аниқ миқдори белгиланмаганлиги. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 547-моддаси 4-қисмига асосан меҳнат низолари бўйича комиссиялар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ҳар бир тарафдан вакиллар сони тенг бўлган ҳолда, тенг ҳуқуқлилиқ асосида тузилади. Бироқ, меҳнат жамоаси (ходимлар сони) жуда озчиликдан иборат корхоналар ёки кичик тадбиркорлик субъектларида ташкил этилган меҳнат низолари комиссияси низони ҳал этишда қийинчиликларга дуч келиши аниқ. Масалан, иккита вакиллардан иборат меҳнат низолари комиссияси

<sup>6</sup> Қучқаров Х.А., МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ВА СУД ТАРТИБИДА КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. №1(2021), 140-150-б.



низони ҳал этишига тўғри келиб қолса, ёки аксинча, аъзолар сони юзтадан ортиқ бўлсачи. Ҳар иккала ҳолатда ҳам, тарафларнинг қарор чиқаришда овоз бериш жараёнида низо ҳал этилмай қолиши ёки комиссиянинг кворум талаблари таъминланишида муддатларнинг чўзилиб кетиши эҳтимоли жуда катта.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун меҳнат низолари комиссияси аъзолар сонининг аниқ миқдорини қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқдир. Унга кўра илмий соҳа вакилларининг “меҳнат низолари комиссияси таркибининг “тавсия этилган сонини”, масалан, корхона штатининг миқдоридан келиб чиқиб белгилашни”<sup>7</sup> тақлиф қилганини эътироф этиш лозим.

2) Тузилган меҳнат низолари комиссияси аъзоларининг орасида яқка тартибдаги меҳнат низоларини қонуний кўриб ҳал этилиши учун профессионал даражадаги етарли билим ва малакага эга бўлмаган вакилнинг мавжуд эмаслиги. Кўпинча корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатувчи меҳнат низолари комиссияси аъзолари юридик билимга эга бўлишмайди, ҳатто баъзи корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятларини ҳуқуқшунос ёрдамисиз амалга оширишади. Яъни, касаба уюшмаси ташкил этилмаган тақдирда, меҳнат низолари бўйича комиссия иш берувчининг бошчилигида ва унинг ташаббуси асосида тузилса, бундан ташқари корхона ҳуқуқшуноси мавжуд бўлмаган тақдирда, бу ҳолат анчагина муаммоли вазиятларни келтириб чиқарар эди. Мазкур ҳолатлар эса амалиётда кенг учрайди.

3) Меҳнат низолари комиссияси фаолиятининг холислиги масаласи. Негаки, комиссия аъзолари биринчи навбатда иш берувчининг ходимлари эканлигини унутмаслигимиз лозим, яъни мазкур орган аъзолари тўғридан-тўғри иш берувчига хизмат юзасидан бўйсунди. Бундан ташқари, комиссия аъзолари ходим сифатида рағбатлантирувчи ва бошқа мукофот тўловларини олиб турган вазиятда, ҳамда иш ҳақи миқдори, касбий ўсиш масалалари иш берувчига боғлиқ бўлганда, уларнинг фаолиятида холисликни таъминлаш шубҳа остида қолиши аниқ.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 557-моддаси меҳнат низолари бўйича комиссия аъзолари бўлган ходимларга нисбатан улар ўз ваколатларини амалга ошираётган даврда тариф ставкасини (маошни) пасайтиришга ва иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмаслиги, ҳамда яқка тартибдаги меҳнат низосини бевосита кўриб чиқиш, ишни кўриб чиқишга тайёрлаш даврида меҳнат низолари бўйича комиссиянинг аъзолари бўлган ходимлар ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этилганлиги каби кафолатлар ҳам улар фаолиятида холисликни таъминлашга қаратилган. Ваҳоланки, қонунчиликда белгиланган мазкур кафолатлар иш берувчи ва комиссия аъзолари ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини мукамал даражада бартараф этиши қийин. Айнан, комиссия аъзоларининг кафолатларини янада кенгайтириш ва уларнинг нуфузини ошириш уларнинг фаолиятида холисликни таъминлаш учун жуда муҳимдир.

<sup>7</sup> Зигалов, И. А. Комиссия по трудовым спорам: распространенные проблемы и пути их решения // СОВРЕМЕННАЯ ЮРИСПРУДЕНЦИЯ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ТЕОРИИ и практики : сборник статей IV Международной научно-практической конференции. – 2022., 21-23-б.



4) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига меҳнат низолари бўйича комиссиянинг яқка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш жараёнларининг кетма-кетлиги, процессуал босқичларнинг хусусиятлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақоми тўлиқ белгилаб берилмаган. Мазкур Кодекснинг 551-моддасида меҳнат низоси ариза берган ходим ёки унинг вакили иштирокида кўриб чиқилиши, ходим ёки унинг вакили йўқлигида меҳнат низосини кўриб чиқишга фақат ходимнинг ёзма аризаси асосида йўл қўйилиши, ходим ёхуд унинг вакили меҳнат низолари бўйича комиссиянинг мажлисида ҳозир бўлмаган тақдирда, меҳнат низосини кўриб чиқиш кейинга қолдирилиши белгиланган. Бироқ, иш берувчининг мазкур ҳолатдаги ишни кўришда иштироки ҳақида тегишли нормалар мавжуд эмас. Ахир, иш берувчи ҳам низо бўйича ўзининг кўрсатмаларини мажлисда тақдим этишда манфаатдор ҳисобланади.

Бундан ташқари, “ходим, касоба уюшмаси қўмитаси меҳнат низосини кўриб чиқишда иштирок этиш учун адвокатни, экспертни ёки бошқа учинчи шахсни таклиф этиш ҳуқуқига эга”<sup>8</sup>. Иш берувчига эса бу каби ҳуқуқлар қонунчиликда умуман белгиланмаган. Меҳнат низолари бўйича комиссия аъзоларига нисбатан тарафлар томонидан уларни рад қилиш асослари, шунингдек, комиссия қарорлари устидан шикоят қилиш учун уларни ўзгартириш ва бекор қилишга асос бўлувчи ҳолатлар қонунчиликда тартибга солинмаган. Қонунчиликдаги мазкур бўшлиқларни тўлдириш учун Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки алоҳида махсус процессуал кодекс қабул қилишни тақозо этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг аксариятида меҳнатга оид низолар махсус ихтисослаштирилган меҳнат бўйича судларда ҳал этилишининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Буюк Британия, Германия, Австрия, Испания, Швейцария, Франция, Норвегия, Швеция каби мамлакатлар ўзларининг ихтисослаштирилган меҳнат судларига эга. Шундай бўлсада, қатор мамлакатларда мазкур ихтисослаштирилган судлар негизида меҳнат низоларини судгача кўриб чиқадиган меҳнат низолари комиссиялари фаолият кўрсатади, “бунга мисол тариқасида Франция қонунчилигини келтириш мумкин”<sup>9</sup>.

Шунингдек, Австрия қонунчилиги бўйича эса меҳнат низолари вужудга келган корхонада судга қадар кўриб чиқиш босқичидан ўтгандан сўнг судлар томонидан кейинчалик ҳал этиш учун иш юритувига қабул қилиниши мумкин. Бизнинг фикримизча, бу каби махсус ихтисослаштирилган судлар томонидан ёки судга қадар меҳнат низолари бўйича комиссияларда меҳнат низоларининг кўриб чиқилиши низонинг ҳар томонлама, адолатли ҳал этилишига таъсир кўрсатади.

## Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз ҳуқуқий, ижтимоий давлат сифатида белгиланганлиги, фуқароларнинг меҳнат қилиш билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига 551-моддаси. <https://lex.uz/uz/docs/6257288#6268748>

<sup>9</sup> Р.Абдуллаева. Вопросы досудебного урегулирования индивидуальных трудовых споров в Республике Узбекистан // “SCIENTIFIC PROGRESS” Scientific Journal ISSN: 2181-1601. 790-б.



эканлигини тасдиқлайди. Демак, барча жисмоний шахслар ходим сифатида меҳнат муносабатларига киришар экан, бу фуқароларнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам турли келишмовчиликларга дуч келиши мумкинлигини билдиради. Меҳнат низоларини судга қадар ҳал этиш муносабатларининг такомиллаштирилиши иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишмовчиликларни икки томон учун тез фурсатда сифатли ва ўзаро мақбул бўлган ҳолатда ҳал этилишини таъминлаши мумкин.

Меҳнат низолари бўйича комиссияни аҳамиятсиз институт деб баҳолаш ноўриндир, аммо юқорида таъкидланган мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур орган меҳнат низоларини судгача ҳал этишда муҳим роль ўйнаши сабабли, бу борада қонунчиликнинг такомиллаштирилиши амалиётга ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

## References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияс — <https://lex.uz/uz/docs/6445145>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси—<https://lex.uz/uz/docs/6257288#6268748>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни—<https://lex.uz/uz/docs/26477>.
4. А.А.Шувалова. “Способы судебной защиты трудовых прав и правовых интересов” диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук., Москва, 2019.
5. Муаллифлар жамоаси: Усманова М.А., Саримсакова Г.К., Исмоилов Ш.А., Исроилов Б., Рахимбергана Б.Д., Тешаев Н., “МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ” дарслик., ТОШКЕНТ – 2018.
6. Кучқаров Х.А., МЕҲНАТ НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ВА СУД ТАРТИБИДА КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. No1(2021).
7. Зигалов, И. А. Комиссия по трудовым спорам: распространенные проблемы и пути их решения // СОВРЕМЕННАЯ ЮРИСПРУДЕНЦИЯ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ТЕОРИИ и практики : сборник статей IV Международной научно-практической конференции. – 2022.
8. Р.Абдуллаева. Вопросы досудебного урегулирования индивидуальных трудовых споров в Республике Узбекистан // “SCIENTIFIC PROGRESS” Scientific Journal ISSN: 2181-1601
9. Очиқ маълумотлар портали, 2023 йил 3-чоракда “Давлат меҳнат инспекциясининг фаолиятидаги асосий кўрсаткичлари” статистикаси. <https://data.egov.uz/data/61025bdf2a2e256d868e82f5> (2024 йил 05 декабрда олинган)
10. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари статистикаси. [https://public.sud.uz/report/CIVIL\\_OLD](https://public.sud.uz/report/CIVIL_OLD) (2024 йил 05 декабрда олинган).